
ОЛТИН ОСТОНАГА БИРИНЧИ ҚАДАМ

Ўлмасбек Хўжаев

ЮРАКДАГИ ЗИЛЗИЛА

Шеърлар



Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2008

84(5Ў)6
X-98


NO 34730
095

Хўжаев, Ўлмасбек.

Юракдаги зилзила: Шеърлар / Ў.Хўжаев;
Кириш сўзи А.Қаюмовники. — Тошкент: Фафур
Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2008. — 32 б.

Ўлмасбекнинг шеърлари қушиқ каби қалбга тез сингиб
кетди. Негаки уларда ҳаётийлик барқ уриб турибди. Китоб
Сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

ББК 84(5Ў)6



ISBN 978-9943-03-174-6

© Ўлмасбек Хўжаев,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2008 й.

Ўлмасбек адабий талант эгаси. Унинг шеърлари зўрма-зўракилик билан ёзилган эмас, балки эркин, қуюлиб келаётган, оҳангдор ва гўзал шеърлар.

Мен бу ёш шоирнинг истиқболига ишонч ва умид билан қарайман.

Талант эгаси барча ёзган нарсаларини дарҳол нашр этабермоғи шарт эмас.

Мен Ўлмасбекка замона зайлига мос, ёш авлодни Ватанга, халққа муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи шеърларини танлаб нашр эттирмоқни маслаҳат бераман.

Ҳаётни қадрлаш, уни севмоқ ҳар бир ҳаёт лавҳасида гўзалликни кўрабилмоқ ва уни улуғламоқ адабий ижодга хос ҳолатдир.

Шуни ҳамиша хотирда тутайлик:

Хушдурур боғи коинот гули
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Улуғ Навоийнинг ушбу мисралари ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олсин ва илҳомли ижодга ундайберсин.

*Азиз Қайюмов,
академик*

ОНАЖОНИМ ВАТАН

Жаҳонда ўрнинг буюк, аҳдинг устувор,
Нурафшон йўлингда авлодларинг ёр.
Жон нисор этгувчи посбонларинг бор,
Ўзбекистон мангу озод осмоним!

Ўз номинг-ла улуғ жаҳон бўлибсан,
Бир буюк эл буюк имкон бўлибсан.
Боғу чаман ортган қарвон бўлибсан,
Ўзбекистон – бағри баҳор маконим!

Осмонингда порлаб турар қуёшинг,
Тожик, туркман, қозоқ, қирғиз йўлдошинг,
Эркдил эллар сенинг азиз сирдошинг,
Ўзбекистон – бошим узра посбоним,

Онажоним жоним фидо айлайин,
Фарзандингман жисмим фидо айлайин.
Ватан мангу озодлигинг қуйлайин,
Ўлмасбекни бахтга кўмган жаҳоним.

ҚОРАҚАЛПОҒИМ

Жайхун бўйларида ястанган Ватан,
Қийиқ кўз бовирим – Қорақалпоғим.
Сен учун фидодир бу жон ила тан,
Пахтаси, шолиси сарбаланд тоғим.

Нукуснинг ҳар уйи уйимдир менинг,
Қорақалпоқ ахир ҳам оғам, отам.
Элимни шод кўрмоқ уйимдир менинг,
Шул ўйим билан мен энг бахтли одам.

Сахро-ю чўлларинг мен учун жаннат,
Ҳар гиёҳ майсангни ўпаман Ватан.
Бу озод тупроғинг кўрмагай кулфат,
Омон бул меҳрда уммоним Ватан!

НОЗАНИНДАЙ НОЗЛАНАР ДУНЁ

Ҳақиқий ишқ йўлида бу дунё бир пардадир
(*Мутасаввуфлар сўзи*)

Нозаниндай нозланар дунё,
Алвон оҳангларга зеб бериб.
Келиндай солланиб келар гўё,
Карвон туяларга сеп бериб.

Нозаниндай нозланар дунё,
Кетар туялар ўркачи қум.
Бу карвоннинг манзили олис,
Туяларнинг оғзидадир мум.

Нозаниндай нозланар дунё,
Кафтидадир ёзу баҳорлар.
Умр соҳилига сиғмаган дарё,
Оқар томчисидан тўлган анҳорлар.

Нозаниндай нозланар дунё,
Қуёш берган унга ҳарорат.
Қуёшидан айирма Худо,
Узоқласин ундан залолат.

Нозаниндай нозланар дунё,
У тўлиққан ўн беш кунлик ой.
Юзидаги доғлар бир рўё,
Уни олқишлаб оқаётир сой...

Нозаниндай нозланар дунё,
Боғлиқдир ришталарга тан.
Нафс ўлмас то қиёмат қадар,
Халос қил, халос бўлай ман.

Нозаниндай нозланар дунё,
Юмилмайди унинг кўзлари.
Истак бериб ҳавас товланар,
Минг тусда товланар юзлари.

Нозаниндай нозланар дунё,
Ишқим кетди илоҳи қайда.
Недан ҳусн унда бунчалар,
Ожизликнинг гуноҳи қайда.

Нозаниндай нозланар дунё,
У тўсин пардадир фақат.
Ошиқман, ошиқлик бер Худо,
Юз кўрсатсин пардадан ваҳдат.

ЙИГИТ ДУНЁ, ОҚАР ҚАРОҒИМДА

Йигит дунё, оқар қароғимда.
Сув сулувдай сийпалаб юзларимни,
Еллар макон қуриб қучоғимда,
Қамчилар минган безгар отимни.

Ишққа Ҳовв-Ҳақ дедим,
Ишқ эҳсон этар кимса йўқ.

Ишқсизга тушмасин ишқим,
Фоний ишқлар бир зумча йўқ.

Тилабми, тиланиб-ми келмоғим,
Керак! Йўқликни йўниб топмоғим.
Шарт. “Ўлмасдан аввал ўлмоғим”
Комил ишқдир, ишқи комил сўроғим.

Фонусим ўчаяпти, ёғи йўқ...
Чинорим ўсаяпти, бутоғи йўқ...
Нурамаса танҳоликнинг тоғи йўқ,
Қачон дарё оқар дарёдай...

Зир заррадан бир заррадир бўлганим...

КЎНГЛИМ

Кўнглим энди сени қайдан топаман,
Қайдан топаман хор-зор синиқларингни.
Тобе тақдир тушди тавба тоғидан,
Мазлумлар забунлар кўмди изларингни...

Кўнглим энди сени қайдан топаман,
Кўрлик кўр қилди кўрар кўзларингни.
Сенга икки дунё қилдан қисқа биладан,
Сигмаслар, сигдирмаслар илинжларингни.

Битикдан билса бўлар билимни,
Саройдан топса бўлар ганжини.
Уч дунёдан топмадим дилимни,
Кўнглим энди сени қайдан топаман...

Девонамен дарддан ахтарибмен ўзимни,
Сиртмоғим сирқиратар сиқиб сўзимни.
Нечун очдим қафасли шер, кўзимни.
Кўнглим энди сени қайдан топаман?!

* * *

Виждон инграр тун кўксида,
Зулмат қувар туғёнлар.
Жоним етмас ўз-ўзига,
Портлайверар исёнлар.

Ё, Оллоҳ — деб руҳим қаландар,
Назарламас икки дунёни. ♦
Шеър ёзмасам, ёзмасам агар,
Куйдиради жисми рўёмни.

Иложсизлик ушлатиб қалам,
Сатр бошин топавераман.
Бедорлик. Уйқу тортганида алам,
Нетай?
Мен ҳам ожиз бандаман
Ёзавераман!

МЕН

Меҳнат қадоқ қилган қўллар чиройли,
Жонга оро берган йўллар чиройли.
Ортида умрлар қолган умрлар чиройли,
Дунёнинг кўркига таъриф йўқ...

Чопиб ўтар айғир тойларим,
Оқиб ётар дарёларим, сойларим.

Юракдаги қолиб кетар, юрак бойларим.
Мангу кетганларга
Раҳмат айтарман...

Тириклар тилар сано, сўкиб ўтаман,
Оч наҳорлар ёнидан бўкиб ўтаман,
Ҳеч қайсига ёқмадим мен аммо...

ХУЛОСА

Кимлар кўрар ёмонимни,
Кимлар яхши томонимни.
Кимлар тилар омонимни,
Ҳаммаси тенг бўлаверар.

Чўлда ўсган бир терак,
Ёзда сояси,
Қишда ўтинга керак,
Кимларга борлиғи керак,
Бор, деб кўнгил тўлаверар.

* * *

Келажакни кўтариб келмоқда аёл,
Зиммасида момо Ҳаво мероси.
Минг ҳайратда ақл лол,
Бу шарафнинг борми баҳоси!

Келажакни кўтариб келмоқда аёл,
Бошида —
Тигли, туғли замонлар урҳоси.
Икки дунё саодати безавол —
Чайқалмоқда,
“Лой бешикда” буюкларнинг авлоди!..

Келажакни кўтариб келмоқда аёл,
Кўкдан кўкламни кутар кўзлари.
Минг йиллик ўй иймонли хаёл.
Турон йўлларида келмоқда Аёл!

МАНСУРА

Шоирлари ёлғон айтса эл ўлади!
(У. Азим)

Имкониятлари чекланганларга
Ихтисослашган коллеж ...
Тилимда тавбалар,
Дилимда дуолар,
Келдим кечирсин ...
– Билмам,
Кимни ахтардим бу атрофда,
Барчаси ногирон, барчаси ожиз,
Кимни қўмсадим афтода,
Кимни излаяпман бу маконда?!
Ана,
“қўлтиқтаёқ” урушни эслатди менга.
Ҳамон тинчимаган кўнгил ғалаёни...
Ғалаёнлар уруш очади менга,
Исёнлар тутади дунёни...
У нима англолмам,
Яхшиям иймон берган,
Кўнгилга худо.
Нима қиларди бўлмаса одам?
Асо бошлаб кетар йўлларда
Қўллар пайпаслаб олади зиё!
Қалб кўзи очиқлар...
Кўпгина,

Кўпларнинг ҳунари риё.
Ўргансинлар бу макондан!

Бугун...
биров қилди, хайрия.
Қай йўлда, не йўл билан,
бойлигига орттирган,
Билмам ош берди қайси пулига.
Ўзи зўрдан юрган буларни...
Шерик қилмадимми
Ўз уволига?!

Но-гир-он деди,
Раҳми келсин Худонинг.
Феълига яраша замон деди!
Феълидан топгайлар ҳамиша,
ҳамон деди.

Ширин ёлғонлар устун,
Аччиқ ҳақиқатдан.
“Худо урган” деган сўзни тан олмай,
Мусофир ўтгандай замондан.
Тилимда тавбалар,
Дилимда дуолар,
Келдим кечирсин ...
Барчани Худо.

НЕЧА КУНКИ...

Неча кунки...
Йиғламоққа осмон оввора,
Йиғлай олмас начора.
Ёш тўкиш ҳам осонмас,
Паранжили осмон бечора...

Неча кунки...
Имдод тополмас кўнглим,
Виждон зори топмас тиним,
Иймондан айрилмоқ ўлим.
Мен ким эдим, мен ким эдим —
Энди кимман?

Неча кунки...
Ичган оқ сутларим...
Пишган сутларим...
Олган тарбиям, Оҳ!
Тикланиб келар ҳужумга
Шунда ғариб бу жоним
Етмай қолар хуружимга...

Неча кунки...
Ризолик сўрайди дунё —
Вужудим ажалга ясалган тобут,
Тунлар эркалайман оғушларимда —
О! Худо..!

Неча кунки...
Ўзимни ахтардим кўҳна маводан.
Тополмасдан оввораман,
Ўзимга қанча бор керагим, энди нетаман,
Бир кун жойнамоз устида
Йўқ бўлиб, йўқолиб кетаман.
Неча кунки...
Чорлар тупроқ, тупроқ!

Неча кунки...
Мен ўзимни топдим!

Кўнглим музларида унган чечаклар,
Кел! Яша ибрат ол — дея
Мени олға етаклар!

Неча кунки...

Армон манзилидан узоқлаб кетдим

Билмадим нимани тушундим

Не асрорга етдим...

Ожиз аҳволимдан

Неча кунки... сатрлар битдим.

Неча кунки...

Ўлмас дедим, ўлмас дедим,

Ўлсада ул маст дедим, ул маст дедим.

Абгор аҳволига боқсин бу замон

Битилган бир сўзим

Ўлмас дедим, ўлмас дедим!!!

* * *

Мустақиллик! — Сенга мен келдим,

Дорларда чайқалган,

Тили суғурилган болалар билан.

Х. Худойбердиева

Эрк недур?

Ани кишан кўрмаган билаклар айтсин,

Қонли тўзон тутмаган фалаклар айтсин,

Мағрур юксак янграган тилаклар айтсин,

Эркни англаб урган юраклар айтсин!

Мустақиллик,

Тилёглама тилак айтар кун эмас,

Ё шод этган баҳонали тун эмас,

Ақли расолар “неъмат” демас,
Чун Эрк бу, уни еб бўлмас,

Эрк исёни,
Азал қон билан ёзилган,
Юрак тубларида жон-ла ёпилган,
Ор-номус, шон билан топилган,
Хотирага айланган тириклар айтсин.

* * *

*Онам Раҳимбой қизи
Тозагул Матниязовага*

Бунчалар куюнчак, бунчалар оддий,
Оддийликдан буюклик топган — Она.
Пойдевор бўлиб содда — самимий,
Тўрт чинорга илдиз отган — Она.

Ортган юки битта — рўзгорим — деб,
Юрган йўли битта — йўқ-борим — деб,
Ҳаё, ор-номусдан наволи торим — деб,
— Турмуш — деган тўрва ортган — Она.

Кимларгадир тилла-кумуш сеп берди,
Кимга эса, ақл-имон, қадоқ қўлдан эп берди.
Қаранг, кўринг бир аёл
Тилла тақмай, либосларга бурканмай,
Бир умрга зийнат берди, зеб берди.

ЮРАК ИСЁНИ

Мен Усмон бўламан,
Чўлпон бўламан,
Тилим олиб борар
Сиртмоқларга, дорларга,

Жисмим хор-у,
Шонли ўламан,
Таъзим қилиб,
Юрагида Виждони борларга!

ЗИЁРАТ

Ассалом, эй соҳиби сўнгги маконлар,
Бир заминда яшармиз икки дунёда!
Ассалом, эй мангу тинчлар,
Бир-бирин эслаганлар келди зиёратингизга!

* * *

Буюкни билмасанг, буюклик йўқдир,
Қадрига етмасанг, қадр ҳам йўқдир.
Гадодан тиланган гадодай муҳтож,
Бойликни англамасанг, бойлик ҳам йўқдир.

* * *

Кўнгилнинг ҳар кўчасида девонаман,
Обод ҳасрлар аро бир вайронаман,
Қасрни қул очар, вайронани ким
Сим-сим очар сўзи топилмаган ғамхонаман....

* * *

Таассуротлардан қувончга тўлиб кетасан,
Кўпларга кўнгил бўлиб кетасан,
Митти ташвишларга ҳасрат айтиб,
Буюклигинг англамай ўлиб кетасан!

* * *

Она, айтинг нега бундай?
Мен кўп қийналаман,
Менинг пишган сут эмганим ростми?
— Рост жоним болам бунга шифокорлар гувоҳ!
Онам билан суҳбатдан

Пишган сутдан бу жоним пишиб қолган,
Бу кўнглим руҳни пишириб олган,
Пишиқлик заррамга қондай сингиб қолган,
Сенча хом бўлолмасам кечир, дўстим.

Болалик-ку сакраб ўтибди бир ондай.
Фудраниб ўргат севган забондай,
Мени-да боссин минг туман ўйлар,
Йигитлик кетмасин фасли хазондай.

Йигитман-у,
Қизлар менинг қизимдай,
Бу бўз йигитлар,
Босиб ўтган изимдай,
Дурбинимга дўнган дунё сўзимдай,
Ҳаммасидан бир ажралиб кўрай дўстим ...

Майли ғуруримни бир оз эгай,
Солланган қизларга туртиниб тегай,
Қолипди кунларимдан бир воз кечай,
Адашиб топилмоққа бошла дўстим...

Бу залворли руҳиятим оғирдир,
Ул не жисму жонимга-да чоғирдир,
Жисмни ҳам, исмни ҳам севиб ўртаниб,
Фамғусор кунлардан чиқай дўстим...

Фикрлар ишлаётгандай,
Сўзлар ушлаётгандай,
Юраклар тишлаётгандай,
Фақат кўзлар юмуқ...

Дайди руҳ саргардон,
Сигдиrolмас осмон,
Қайнаган, музлаган қон,
Фақат кўзлар юмуқ...

Асо ўзи кетаяпти,
Ҳеч ким суянгани йўқ,
Қисматидан ўқсияпти,
Таянчиққа суянчиқ йўқ...

Топилмас йўйилган тадбир,
Кўринмас тушларга таъбир,
Муқаддас “вақт”отли қабр,
Фақат кўзлар юмуқ...

ЯШАДИМ

Наъраси йўқ, нидолар ўлик.
Фарёди йўқ, садолар ўлик.
Султони йўқ, гадолар ўлик.
Тирик бўлмоқ учун яшадим...

Яшадим қандай билмайман,
Қандай яшашни билмайман.
Биров айтгандай қилмайман!
Ўзим тўқиб, ўзим чўқиб яшадим...

Дардга шеърлар тўлди,
Жасадга ерлар тўлди,
Ҳар ким ўзича бўлди!
Мен ўзимча яшадим...

Эркин ва озод руҳият,
Мусаффо дил олий ният,
Кул қилди фақат шеърият,
Ор қилмай яшадим...

Манзилни йўловчи сўраб топади,
Бахтни гадоси тилаб топади,
Обида тарихни қулаб топади.
Кутишга чидаб яшадим...

* * *

Бошимдан шаррос қуйилди сув,
Елка тутиб қололмади томчисин.
Лаззат деб ичганим оғу,
Тугатди сармастлик муъжизасин.

Заҳар...
Кўз ёш қуримади, қуритолмадинг.
Дардим ўлмади, ўлдиролмадинг.
Камим тўлмади, тўлдиролмадинг.
Паймонани бўғолдинг халос...

Эртақдай яшаб ишончим қани?
Пуфакдай семирган хомхаёллар.
Қалб топширди басирликка ўзини,
Бир дамда совурмас рўёлар...

Ишончимни кафанлаб қўйдим,
Кафанлаб қўйдим-у суйдим,
Қаранг оппоқ ҳамма ёғи —
Ҳар қалай оқлик борлигин туйдим...

Энди ўша тиланчи тиламай қўйди.
Тиламай қўйса-да қорни тўйди.
“Раҳм-шафқат” — деб ёлбориб,
Ёлбориб олганларин еб қўйди...

ЮРАК ЗИЛЗИЛАСИ...

Бунчалар юҳога айландинг юрак,
Қачондан гўрковликка сайландинг юрак?
Етти қат осмонга жойландинг юрак,
Зилзила соласан ...

“Қалб” деган қабристон гувиллаяпти
Бўйнида сиртмоғи, жоғ увиллаяпти.
Руҳлар кезувчи макон хувиллаяпти.
Юрак зилзиласидан ...

Туйғулар қочаяпти туғишганидан,
Ҳислар ўлаяпти бўғишганидан.
Исёнлар қолаяпти, кўмишганидан.
Юрак зилзиласидан...

Во ажаб...

Юракда зилзила, зилзилада юрак,
Икки қози икки гўрков,
Луқмаси бир,
Ҳукмлари бошқа бўлса керак,
Бежиз бирлашмасдиёв.

Зилзила соласан бунчалар юрак,
Сенга ўзи, не керак?!

ҚИШ

Ёгаётган қор сочларга кўнди.
Қошларга кўчди сочлар,
Эчкилар жағин олди,
Ҳйноқи улоқчалар...

Қор қоплаган анов дўнглик,
Ҳхшайди одам букрисига,
Гўр тузатар аслида уни,
Кўймоқ керак қорнинг ўзига.

Кераксиз бўлса ўзига ўзи,
Эримоқ фаслин топар қордай.
Дунё ортиқчами,
Дунёга ортиқчалиги бордай...

Эчки эманмайди,
Улоқ тебранмайди,
Уни қор музлатган.
Муз қорлатган бўлса керак,
Тебранмоқ учун азалда.
Тебраниб туғилмоқ керак!..

* * *

Онам иқболимни туғолган эмас,
Сенинг ҳам сўқмоғинг тиконли йўлдан.

Ф. Мирзобоева

Ҳша тиконли йўл меникидир, меники.
Ҳар тикони юрагимга санчилар.
Билинмас оёқдаги тикон
Кўксимга ханжар янглиғ санчилар.

Атиргул ифори бурнимга кирар,
Атиргул тикони қўлимга кирар.
Атиргул туғёни ўлимга ханжар,
“Онам иқболимни туғолган эмас...”

Дардга йўргаклаган гўдакни доя,
Осмон ожиз туйғуларнинг тўфонига.
Дардли умр берсин неча қарич соя,
Ўт қўйгум сояларнинг осмонига...

Ҳеч ким қилолмаганни қилганлар бахтли,
Ҳеч ким билолмаганни билганлар бахтли,
Ҳеч ким қуролмаганни қурганлар тахтли,
Ўт кетсин садақа қувончу зийнатларга.

* * *

Ўзимга ишонгандай сизга ишонаман.
Лаҳзаларда туриб-туриб тонаман,
Бир кошона рутубатли хонаман.
Нега шунча ишонаман, ишонаман...

Хотирим бемайил, юришим мудроқ,
Кунларимда унум йўқ, ўтар чўлтоқ.
Хаёлда ҳисоблашмай кетаяпман тоқ,
Тоқликнинг тоғидек сарсонман...

Сайёдман юрагимнинг сайёди,
Фарёдман иймонимнинг фарёди.
Бедодман қон, жонимнинг бедоди.
Тундай тутаб ёнаман, ёнаман...

Сен ҳам ўрган, ўртан дейман.
Ўзимдан воз кечиб ўзимни ейман.
Ўзгалардан бўлолмай Худони дейман.
Деганимга бесамар қувонаман, қувонаман...

АЙЛАНАЙ

Болажоним,
Кулиб турган кўзларингдан айланай.
Ширин, асал сўзларингдан айланай,
Эгнингдаги юпқа бўзларингдан айланай.
Ўргилай, қароғимнинг қоқидаги қаросисан...

Онам тилидан

Соат тили ўлчаяпти умрни,
Ер айланар умрларнинг умрига.
Дунё айланиб ўлчаяпти нимани?
Оламнинг айланиши мезон нимага?
Уёғи ёлғиз мавҳумият,
Аён Худога...
Ер меҳварига,
Меҳвари қуёшга,
Парвонаси тўққиз сайёра бўлган,
Куёш нега ошиқ,
Нечун айланар...

Зир заррадан бир заррага айландим.
Гўдак бўлиб балоғатга сайландим.
... Йигитга ҳам айландим,
Ибтидодан интиҳо орасида,
Айланарман ҳали кўп карра.

Сулув суйсам парвонадек бўларман.
Ишқдан қуйсам паймонадек тўларман.
Айланиб-айланиб,
Не бўлсам айланиб бўларман.

Айланмоққа айлантиргил, илоҳим!
Худо кечир...

Келмоқ азал гуноҳим,
Кетмоқ бўлар гуноҳим,
Гуноҳим савобига,
Қалбим тавобига шайланай,
Токи руҳ экан танда,
Айланмоқдан айланай.

* * *

Отам чўл йўлидан ўтган,
Мен боғ йўлидан ўтишим керак,
Болам деб яшашни ўргандим.
Кузатдим,
Олдим, омонати кўп,
Невара-эварам учун қарз,
Етказишим керак...

Бобом қурган уй қулади,
Отам қурган уй нуради,
Мен қурган уй туради,
Туриши шарт!

Дунёнинг лойсувоқ томи қурилган,
Менинг боламнинг,
Қуришгада, қурилишга-да
Вақти йўқ!
Вақт ўғирлаб юргизишга юрилган,
Сўқмоқларга солишга,
Кўҳна такрорларнинг ҳаққи йўқ!..

* * *

Бўйнимга солинг кишанни,
Мен ундан ҳайбат оламан.
Чираниб-чираниб тинкани,
Мадор-ла тиклаб оламан...

Занжирланг қўлларимни,
Ёзолмасам нидо соламан.
Занжирнинг шақр-шуқуридан,
Янги куй топиб оламан.

Зиндондан кўрқаман,
Чуқурга ташламанг.
Ўлмасга дор қуриг аммо,
Уни ёлғондан тикламанг...

Пастдан кўрқаман жуда,
Халлож сиртоғи юксал.
Бўйлаб кетайин қани,
Юксалиб ўлмоқ ҳам афзал!..

* * *

Эътибор эт, эътироф эт, эъозла,
Нафу-таъманг кўршапалак қилгуси.
Тақдир буюк, тақдир баланд парвозла,
Мазлумлигинг мутеълигинг ўлгуси...

БОЛАСИМАН!

Дерлар нечун руҳи ҳазинсан
Сабаб кузда туғилганман,
Мудом қиш совиғин ўйлайман,
Олдим қаҳратон деб чўчийман.

Ишонмайин келса навбаҳор,
Татимай ўтар ёз ҳам зор.
Мен кузда туғилганман,
Мен кузнинг боласиман.

Ўткинчи анвойи очилишлар ажибдир,
Сўлишни унутган лолалар таажжубдир.
Ўлимни унутган руҳлар мажруҳдир,
Мен кузнинг боласи...

Менман ўша,
Хазонларнинг буталарда айтган воласи,
Ерга қушилар чоғда айтар ноласи,
Умрлар тарк умрда алвидоси,
Мен кузнинг боласи, кузнинг боласи!

Умрлар баҳори кузга айланур,
Юракларнинг зардоби тузга айланур,
Шафқат яратган чирой кузга айланур,
Тебратган ўлмас дард сўзга айланур,
Мен кузнинг боласиман.

* * *

Афт саҳросида қуюлар,
Кўздан отилган иккита илон.

* * *

Кўнғизнинг кўзтуморидек
Чиройлисан сен Азизим...

* * *

Найга пуфласам наво чиқди.
Шоҳ десам гадо экан.
Ўзимни изласам, даво чиқди...
Аслиятни йўқотдим...

Адолатни ҳис қилади,
Бўйним фақат.
Қароликдан қаро ўйган,
Пешонага не қисмат.

Бошимдан унган ҳар тола,
Қаролик.
Кўзимдан инган ҳар нола,
Қаролик.
Қароларни қаро қилди
Дил қаролик,
Оқлик азройил элчиси.
Минг шукурларки,
Қош-кипригимда қаролик.

Исканжада исён солар,
Сиртмоғида туғён қолар.
Оқлик истаган кўнгилга,
Оқ жаҳон келар.
Оппоқ осмон қолар...

* * *

Кўҳна Жайхуннинг Баҳри Хоразм бўйларида
кўнгли шўрламайдиган одамлар яшайди.

* * *

Бир куни энам қари говмишни соғаётиб
хиргойи қилаётганини эшитиб турдим:

Уч ой қабо-ғим...
Уч ой чабо-оғим...

Уч ой қовуним...
Уч ой совуним....
Ҳоой уч ой совунимм...

Говмиш қулоқларини қимирлатиб, чамамда
яхшироқ эшитиш учун кампирга тикилиб турарди.
Говмиш хиргойи таъсирида вужуди соғилаёт-
ганини унутган эди...

* * *

Хазонрезлар ҳолида,
Кўраман юрагимнинг аксини.
Соврилиб кетмоқда,
Тополмаяпман ахир аслини.

Эй дўст деганим, сен ҳам
Жисми дунёвийлик қилдингми?
Етмагандек “Сим-сим”ли ситам,
Яна ханжар уриб тиндингми?

Дод солмайман,
Унсиз термуламан фалакка.
Худо шундай яратган,
Кул қилгандир юракка.

Кўксим тўла,
Тиқилгандир бўғзимга.
Уч дунёнинг ингроғи,
Фам юклайди устимга.
Яна сукунатнинг қўнғироғи...

Икки дунёсида яшашни,
Эп кўрмайман ўзимга.
Ортиқдир яшаш ўзи,
Мен ўзимга ортиқча.

Балки сиз айтганча худбинман,
Тан олмайман бандани.
Азал ўлмас бир унман,
Маконга сиғса қани.

АЙТОЛМАЙМАН ЙЎҚ

Қалбим баҳорингни айтолмайман йўқ,
Юрак наҳорингни айтолмайман йўқ.
Сен тунлар учун яралгансан хўп,
Ғам учун туғилдинг,
Шодлик учун яралганинг йўқ.

Ҳасрат отли одам келар ўнгимга,
Дардлар келар етиб сўлимга,
Яланғоч иймон, виждон кирар тушимга,
Қалбим сен, шодлик учун яралганинг йўқ.

Кўлимни сермасам нокаслар илинар,
Суянай десам ғамлар кўпаяр.
Қил устида одам-одамлиги билинар,
Кургани кўзлар кўрқар.
Эй, сен шодлик учун яралганинг йўқ.

Ҳар қайси ўзга олам-олам булар,
Бирлари бирларига зинҳор ўхшамас.
Ўзи яралгандай яйдоқ юрарлар,
Қайдан келди, қайга кетар англамас,
Эй, шодлик учун яралганинг йўқ.

Дунё, умр бошида бешик тебранар,
Барини тан олмоқ керак, ингранар,
Тобут сўнгги йўлга кузатар,
Татимас қувонч менинг айтгим йўқ,
Дунё боши шодлик охир поёни йўқ,
Қалбим, сен шодлик учун яралганинг йўқ.

Қалбим сен зулматга яралгансан хўп,
Шодлик учун яралганинг йўқ.



МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида <i>Азиз Қаюмов</i>	3
Онажоним Ватан	4
Қорақалпоғим	4
Нозаниндай нозланар дунё	5
Йигит дунё, оқар қароғимда	6
Кўнглим	7
«Виждон инграр тун кўксида...»	8
Мен	8
Хулоса	9
«Келажакни кўтариб келмоқда аёл...»	9
Мансура	10
Неча кунки	11
«Эрк недир...»	13
«Бунчалар куюнчак, бунчалар оддий...»	14
Юрак исёни	14
Зиёрат	15
«Пишган сутдан бу жоним пишиб қолган...» ..	16
«Фикрлар ишлаётгандай...»	17
Яшадим	17
«Бошимдан шаррос қуйилди сув...»	18
Юрак zilzilаси	19

Қиш	20
«Ўша тиконли йўл...»	20
«Ўзимга ишонгандай...»	21
Айланай	22
«Отам чўл йўлидан ўтган...»	23
«Бўйнимга солинг кишанни...»	23
«Одамлар ҳақида ўйламай кўйдим...»	24
«Эътибор эт...»	24
Боласиман	24
«Афт саҳросида қуюлар...»	25
«Найга пуфласам наво чиқди...»	26
«Кўҳна Жайхун...»	26
«Бир куни энам...»	27
«Ҳазонрезлар ҳолида...»	27
Айтолмайман йўқ	28

Адабий-бадиий нашр

Ўлмасбек Хўжаев

ЮРАҚДАГИ ЗИЛЗИЛА

Шеърлар

Муҳаррир *Аброр Қиличев*

Мусаввир *Олег Холодняков*

Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Дано Тўйчиева*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4736

Босишта 17.07.08 й.да руҳсат этилди. Бичими 70x90 ¹/₃₂.

Таймс гарнитураси. Офсет босма. 1,17 шартли

босма тобоқ. 1,5 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.

275 рақамли буюртма. 97–2008 рақамли шартнома.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз: www.iptd gulom.uz